

01/10-4

30.12.22 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Истиқболли лойиҳалар  
 миллий агентлиги директори



Д.Р. Ли

2022 йил “30” декабрь

**Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2023 йил I-ярим йиллиги учун  
ИШ РЕЖАСИ**

№	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Крипто-активлар айланмаси ривожлантириш</b>				
1.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига қуидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифларни тайёрлаш ва киритиш:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Фармонида назарда тутилган солик имтиёzlари;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3150-сон Фармонида назарда тутилган солик имтиёzlари;</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда келишиш.</p>	<p>2023 йил I-ярим йиллиги давомида</p>	<p>А. Закиров Т. Матчанов Н. Джураев С. Хван</p>

	крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолият амалга оширувчи юридик шахслар томонидан йигимларни тӯлаш тартиби.			
2.	Крипто-активлар майнингини рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни қабул қилиш ва фаолиятга киритиш.	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўшимча ва таклифларини инобатга олган ҳолда Крипто-активлар майнингини рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасини қайта кўриб чиқиши.</p> <p>2. Ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун киритиш.</p>	2023 йил 15 февраль	А. Закиров Т. Матчанов А.Хакимов Н. Джураев С. Хван
3.	Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш тартибини белгиловчи Агентликнинг идоравий норматив-хукукий ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш.	<p>1. Хорижий тажрибани, шу жумладан майнинг-пулнинг ишлаш механизmlарини, улар томонидан майнинг қилувчиларга мукофот тूлаш усулларини ўрганиш, халқаро эксперталар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш.</p> <p>2. Идоравий норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши ва уни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун киритиш.</p>	2023 йил апрель	А. Закиров А.Хакимов К.Мухаммадиев Т. Матчанов Н. Джураев С. Хван
4.	Крипто-активлар айланмаси соҳаси ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, таҳлилий материалларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси худудида мазкур соҳани ривожлантириш шарт-шароитларини янада яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Таҳлилий материалларни тайёрлаш ва уларни Агентлик раҳбариятига кўриб чиқиши учун киритиш.	2023 йил I-ярим йиллиги давомида	А. Закиров А.Хакимов К.Мухаммадиев Т. Матчанов Н. Джураев С. Хван

## II. Ахборот технологиялари соҳасида

5.	Агентликда ахборот хавфсизлигини ошириш бўйича чоралар кўриш.	Ахборот хавфсизлиги бўйича ҳолатларни таҳлил қилиш ва уларга оператив чора кўриш тизими – «ELK stack» ни Агентликда жорий қилиш.	2023 йил I-ярим йиллиги давомида	Т.Салиев, К.Мухаммадиев, А. Хакимов, В.Тен, Х.Арипов
----	---	--	-------------------------------------	--

### **III. Ҳалқаро ҳамкорлик соҳасида**

6.	<p>Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари ходимларининг малакасини ошириш масалалари бўйича Хитой Ҳалқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш.</p>	<p>Хитой томонидан ташкил этиладиган ўқув тадбирларида иштирок этиш бўйича республика вазирликларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни амалга ошириш, шу жумладан:</p> <p>ходимлар малакасини ошириш йўналишлари ва мавзулари рўйхатини шакллантириш;</p> <p>малака ошириш мақсадида Хитой томонидан ўтказиладиган семинарлар, тренинглар, ўқув курслари ва бошқа тадбирларда иштирок этиш учун вазирлик ва идоралар ходимларининг рўйхатини шакллантириш.</p>	<p>2023 йил I-ярим йиллиги давомида</p>	<p>Н. Джураев, С.Хван</p>
7.	<p>Крипто-активлар айланмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш.</p>	<p>1. Хорижий давлатларнинг крипто-активлари айланмаси соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш бўйича ваколатли органлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиши.</p> <p>2. Ишончли блокчейн-иловалар ҳалқаро ассоциациясининг (International Association of Trusted Blockchain Applications-INATBA) Ҳукумат маслаҳат органи (ХМО) доирасида ташкил этилган тадбирларда иштирок этиш.</p>	<p>2023 йил I-ярим йиллиги давомида</p>	<p>А.Закиров, К.Мухаммадиев, А.Хакимов, Т.Салиев, Н.Джураев</p>
8.	<p>Крипто-активлар айланмаси соҳасида ҳалқаро хизмат кўрсатувчи провайдерлар билан алоқаларни ўрнатиш.</p>	<p>Учрашувлар ташкил этиш, муаммоли масалаларни муҳокама килиш ва алоқаларни ўрнатиш.</p>	<p>2023 йил I-ярим йиллиги давомида</p>	<p>А. Закиров А.Хакимов К.Мухаммадиев</p>

### **IV. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик соҳасида**

9.	<p>Агентлик фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.</p>	<p>1. Агентликнинг 2022 йилдаги фаолиятига бағишлиланган пресс-конференция ўтказиши.</p> <p>2. Оммавий ахборот воситаларида тизимили тарзда Агентлик фаолиятига</p>	<p>2023 йил январь-февраль</p> <p>2023 йил январь</p>	<p>В.Пономарева, А.Закиров, Н.Джураев, С.Хван, Т.Матчанов,</p>
----	--	---	---	--

		бағишиланган мақола ва репортажлар эълон қилинишини назарда тутувчи медиа-план ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш.		К.Мухаммадиев, А.Хакимов, Т.Салиев
--	--	---	--	--

#### V. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида

10.	Коррупцияга қарши курашишда ички идоравий механизmlарни кучайтириш чораларини кўриш.	1. Коррупциявий хавф-хатарлар бўйича баҳолаш ўтказиш. 2. Агентликада коррупция кўринишларини олдини олиш ва хавфини камайтириш бўйича “Йўл харита”сини тузиш.	2023 йил февраль-март 2023 йил апрель-май	А.Исмоилов, Ш.Сирожиддинов, Т.Матчанов
-----	--	--	--	--

#### VI. Ходимлар малакасини ошириш соҳасида

11.	Агентликнинг ички идоравий норматив-хукукий хужжатларини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Конуни ҳамда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига мувофиқлигини таъминлаш чораларини кўриш.	1. Агентликнинг ички норматив-хукукий хужжатларини инвентаризация қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Конуни ҳамда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига мувофиқлигини таъминлаш. 2. Идоравий норматив-хукукий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2023 йил январь-февраль  2023 йил март	Ш.Сирожиддинов Т.Матчанов, А.Исмоилов, С.Хван, Х.Арипов
12.	Агентлик ходимларининг касбий малакаси, уларнинг давлат тили ва хорижий тилларни ўрганишларини таъминлаш.	Малака ошириш бўйича ўкув машғулотлари ташкил этиш ҳамда уларда Агентлик ходимлари малака оширишини таъминлаш.	2023 йил I-ярим йиллиги давомида	Ш.Сирожиддинов Х.Арипов

Ташкилий-назорат бўлими мудири

В.Пономарёва